


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**61040200 – *Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш* бакалавриат таълим
йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамоксига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи.....	9

1. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Кундузги таълим бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Олий таълимнинг ушбу малака талаби 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим ташкилотларининг профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув ҳамда тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқармаси (бўлим) бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим ташкилотни молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш – бакалавриат таълим йўналиши – “Транспорт хизматлари” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимларининг технологик лойиҳалари ва уни қўлланиши самарадорлигини таъминловчи усуллар ва воситаларнинг мажмуасини ўз ичига олади, шунингдек, аэропортлардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини; ҳаво трассаси ва мундаги парвозларни оптимиллаштириш; ҳаво кенглигидан фойдаланиш; халқаро ва республикадаги парвозларни таъминлаш каби масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.

1.2.2. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- ҳаводаги ҳаракатни ташкил этишнинг ягона тизими объектлари;
- ҳаводаги ҳаракатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини ўз ичига олган ҳаводаги ҳаракатни бошқариш жараёнлари, усуллари ва воситалари;
- ҳаво кенглигидан фойдаланишни ташкил этиш жараёнлари усуллари ва воситалари ва парвозларга аэронавигацион хизмат кўрсатиш, шу жумладан сунъий йўлдош кузатув навигация ва алоқа тизимлари;
- фуқаро авиацияси парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш даражасини таъминлашга қаратилган ташкилий, техник ва ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуаси, ўқув жараёни;

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

61040200 – Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- лойиха-технологик;
- сервис хизматини кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавр дастурини ўзлаштирган битирувчи қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Лойиха-технологик фаолиятида:

- ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизим лойиҳаларининг амалий бошқарувига тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделлари ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда информацион технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик профилига мос равишда қўллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:

- ҳаводаги ҳаракатни бошқаришнинг автомаштирилган тизимлари, радиоэлектрон кузатув тизимлари ва алоқа тизимлари, ҳаводаги ҳаракатни навигация ва метеорологик таъминлаш воситаларидан фойдаланиш;

- ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш, ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида ҳаво кемалари парвозларини режалаштириш ва парвоз режасини тайёрлаш;

- аэронавигацион парвоз хизмати ва ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида ҳаво кенглигидан фойдланиш;

- замонавий қайта ишлаш технологик жараёнларни қўллаш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ишлаб чиқариш – технологик фаолиятида:

- сифатли иш ва хизматларни ташкил этиш ва самарали амалга ошириш;

- стандарт сифат назорати усуллари ёрдамида ҳаводаги ҳаракатни бошқаришнинг технологик жараёнларини метеорологик қўллаб қувватлаш;

- авиация ҳодисаларини тергов қилишда иштирок этиш;

- ходимларнинг илмий-техник салоҳиятини ошириш бўйича ишларни бажариш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

- касбий этика кодексига риоя қилиш ва ҳаётда унга амал қилиш;

- касбий ижтимоий ва этик жиҳатларни ҳисобга олиб, ўзининг касбий фаолияти қиймати ва оқибатлари тўғрисида фикр юритиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташиқий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ресурсларини режалаштириш;

- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мосқилиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг олиб бориш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ва автоматлаштирилган тизимларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташиқий ишларда иштирок этиш;

- республика ва хорижда чоп этилган ҳаводаги ҳаракатни бошқаришга оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

2. 61040200 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистоннинг ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;
- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва электрон алоқаларни олиб бориш, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтиришнинг билим, кўникма ва қобилиятларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилиятига эга бўлиши;
- ташкилий тузилмаларни ишлаб чиқиш, ташкилотларнинг кадрларни бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш, амалга оширилаётган ҳаракатлар учун шахсий жавобгарликни ҳисобга олган ҳолда ваколатларни тақсимлаш ва бериш қобилияти;
- ишбилармонлик алоқалари ва оммавий нутқларни ўтказиш, музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва электрон алоқаларни олиб бориш қобилияти;
- корхона маълумотлари ва ахборот тизимларини қайта ишлашнинг замонавий усулларида фойдаланишга асосланган ҳолда молиявий ҳисоботларни тузишнинг турли усуллари ва усулларининг ташкилотнинг молиявий натижаларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботларни тайёрлашда моҳирлик;
- ташкилотларнинг операцион (ишлаб чиқариш) фаолиятини бошқаришда қарорлар қабул қилиш усулларига эга бўлиш;
- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш, ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш, ҳаво кенглиги, авиадиспетчер, диспетчерлик ҳудуди, режалаштириш, ўтказувчанлик қобилияти, ҳаво ҳудудидан самарали фойдаланиш, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, лойиҳалаш ва ташкил этиш, лойиҳавий-конструкторлик, экспериментал-тадқиқий, бошқариш турлари, бошқариш фаолият, аиадисптчер ишининг технологияси, ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни ташкил этиш, радиоалмашув фразеологияси, парвозлар ва қўнишларнинг радиотехник таъминоти, аэронавигация, махсулаштирилган инглиз тили, махсулаштирилган тренажер, аэродинамика ва учиш аппаратларининг тузилиши, парвозлар ҳавфсизлиги ва инсон омили, авиация меторологияси, авиация асбоблари ва учиш-навигация мажмуалари, таҳлил ва моделлаштириш, транспорт қонуншунослиги.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



20__ йил «__» _____

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов

Директор в.б.  М.Эсонов

202__ йил «__» _____
М.Ў.





202__ йил «__» _____
М.Ў.



“Ўзаэронавигация” маркази ДУК

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Директор  А.Ашуров

Ректор  С.Турабджанов



202__ йил «__» _____



202__ йил «__» _____